



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 6-iyun, chorshanba



№ 24 (1086)

1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan



Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz



www.hurriyat.uz

ЮКСАЛИШ ДАСТУРИ

Давлатимиз раҳбари шу йил 5 январда Тошкент вилоятида ана шу йўналишда бажарилган ва бажарилаётган ишларга эътибор қаратди. Зеро, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Дунё иқтисодиётида халқаро туризмдан тушаётган йиллик даромад 1 триллион АҚШ долларида ошади. АҚШ, Испания, Франция, Хитой, Италия сайёҳликдан энг кўп даромад олган мамлакатлардир. Дунё миқёсида иш билан банд аҳолининг 8 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади.



ОШИҚ ЙИГИТНИНГ ОРЗУСИ

Халқимиз ҳамisha ўзининг амалий санъати, урф-одат ва анъаналари билан дунё аҳлини ҳайратга солиб келган. Айниқса, Марғилон атласу адраси, Бухоро зўрдўзиси ҳар бир инсон қалбида ҳавасу ҳайрат уйғотиши рост.



Сарҳисоб

Кувончли кунлар садоси

Май – баҳорнинг энг сўлим, яшилга бурканган, дарахтлар мева тугиб, олди пишиб етилган, сабзавот, полиз бозор, дўкон пештахталарини тўлдирган, ҳавоси мўтадил, саховатли, баракали фаслга – ёзга дарвозаларини ланг очиб берадиган файзли ой. Одатда янги йил арафасида эски йил билан хайрлашилади, қилинган ишлар, ўзгаришлар, янгилар сарҳисоб қилинади, келгуси режалар тузилади. Бу гал, қутлуг анъанани давом эттириб, бир ой – май таассуротларини ўқувчилар билан бирга баҳам кўрсак. Суюкли юртимизнинг наинки ҳар йили, ойи, ҳатто ҳафтаси, кунли улуғвор ўзгаришларга, янгиларга бой.




Мутолаа

Тараққиёт эшиги


Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 12 майда қабул қилинган "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини ўқиб

Асримизга келиб ахборот-коммуникация технологиялари тараққий этди. Табиийки, бу жараёнда «янги бировнинг китоб мутолаа қилишига ишониш мушкул», деган жўн қарашлар ҳам юзага келгани бор гап. Бу ҳолат адабиёт жонқуяларини чуқур ўйга толдирди. Тинчи йўқолган захматкашлар бу борада турли ан-

жуманлар, илмий-амалий семинарлар ва кўнгличор тадбирлар уюштириб, ўзгалар фикрига қулоқ осди. Мутолаадан узоқлашган катлам аҳлини манфаатли акцияларга қорлаб, уларга китоб ўқигани учун миннатдорлик совғаларини улашди.



Президент ташрифидан сўнг



лотлари, муқаддас қадамжолари билан хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига мафтун этиб келган. Президентимизнинг тошпириги асосида туризмни ривожлантириш, миллий хунармандлик марказини ташкил этиш учун аниқ тадбирлар белгиланди. Хунармандлик ва сайёҳлик мавзелаари қуриш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шаҳарнинг темир йўл кўпригидан темир йўл вокзалигача бўлган Хиёбон кўчасидаги 17 гектар ер майдонида хунармандлар шаҳарчаси қурилиши учун ажратилди. Бу ерда мавжуд эски бинолар бузилиб, қурилиш объектлари учун ер майдонларини тайёрлаш, коммуникация ишларини бажариш бошланди. Айни пайтда шаҳарчада меҳмонхона, карвонсарой, дам олиш ва спорт мажмуалари, маиший ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростламолда.



Юртдошим, боғингга бир ниҳол қада

Юртимизда инсон манфаатлари қадрланади. Фаровонликка йўналтирилган лойиҳалар бугун ҳар бир инсон ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига

ташрифи чоғида вилоятда қурилиш-бунёдкорлик ишларини кенг қўламда давом эттириш, туризм, sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан тегишли топшириқлар берган эди. Мазкур топшириқлар

ижроси доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Янги sanoat корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ошди. Замонавий уй-жойлар, инфратузилма объектлари бунёд этилди. Марғилон азалдан миллий хунармандлик маҳсу-



Спорт

Кирсан ИЛЮМЖИНОВ:

Шахмат ватани — Ўзбекистон



Инсон тафаккури ва ақлини чархлайдиган спорт ўйини саналган шохматнинг Ватани қаерда? Уни дастлаб қай замонда, қайси юртда кимлар ўйнаган? Умуман олганда, "шахмат" иборасининг "шох" ва "мат" сўзларидан ташкил топганини назарда тутсак, бу ўйин ўзимизга тегишли эканини пайқаш мушкул эмас.

Аммо инсон қавмида ҳар қандай кашфиёт, янгиларка эғалик қилиш, уни ўзиникига айлантириб олиш каби иштиёқ ҳам бор. Шу маънода бу қадимий ўйинни ҳиндлар ёки форсларники деб билувчилар ҳам анчагина. Аммо биз — ўзбеклар етарли тарихий далиллар ва фактларга таяниб, шахматни ўзимизники дейишга тўла ҳақлимиз.

Хусусан, бундан кўра Ўзбекистон шахмат федерациясининг навбатдан ташқари қурултоида иштирок этиш учун Тошкентга келган Халқаро шахмат федерациясининг президенти Кирсан Илюмжинов ҳам яна бир бор эътироф этди. Дарвоқе, ушбу анжуман ҳақида. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқармаси миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Дмитрий Ли Ўзбекистон шахмат федерацияси президенти этиб сайланди. Шунингдек, тадбирда иштирокчилар томонидан Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг президенти К.Илюмжиновнинг номзоди кўрсатилди.



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА

АХЛОҚ
ЎЗГАРУВЧАНМИ?

ОТИНОЙИ
НИМА ДЕЙДИ?

САЙТЛАРДАН
САДОЛАР


КРИМИНАЛ:
иштакаси
карнай экан

Чингиз Айтматовнинг 90 йиллигига

Асил РАШИДОВ:

Хайратга солган чўккилар

Давлат мукофоти лауреати, профессор Асил Рашидов Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарларини ўзбек тилига ўргинган. Шу билан бирга, Тўхтапўлот Абдумўминовнинг "Севги ва умид", Мирзабек Дуйсеновнинг "Имтиҳон", хитой ёзувчиси Ма Финнинг "Хан Мэй-Мэй" асари ва бошқа ёзувчилар ижодидан ҳам ўндан зиёд роман, қисса ва ҳикояларни таржима қилиб, ўзбек китобхонлигига ҳавола этган. "Леся Украинка", "Ўзбек қиссаларида меҳнат тасви-



ри", "Сўнамас юлдузлар", "Акам ҳақида", "Эзгуликка бахшида умр", "Чингиз Айтматовнинг бадиий олами" ва бошқа кўплаб китоблари бизга яхши таниш.

Қуйида адабиётшунос олим ва моҳир таржимон билан муҳбиримиз қилган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Юксалиш дастури

Мамлакатимизда изчиллик билан жадал амалга оширилаётган ислохотлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Булгун қай бир шаҳар қишлоқда бўлманг, ана шу эзгу интилишнинг қувонарли натижаларини кўришингиз, ҳис қилишингиз мумкин.

Амалга оширилаётган ишларда Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган "2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Мазкур дастурдан миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт этириш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошириб бориш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш каби долзарб вазифалар ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 5 январда Тошкент вилоятида ана шу йўналишда бажарилган ва бажарилаётган ишларга эътибор қаратди. Зеро, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз таъриф чотида тақдим этилган лойиҳалар ва бажарилаётган ишлар билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга, Янгийўл шаҳрида кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 янги уй-жой қуриш, замонавий бозор, супермаркет, кўприк барпо этиш, тиббиёт бирлашмасини замонавий тиббиёт масканига айлантириш зарурлигини алоҳида қайд этган эди.

Орадан беш ой ўтди. Бу вақт давомида берилган кўрсатмалар бўйича қандай ишлар бажарилгани кўпчиликини кизиктиради, албатта. Биз ана шу саволга жавоб топиш мақсадида Янгийўлга йўл олдик.

Президентимиз аҳоли билан мулоқот қилиб уларнинг қувонч-ташвишлари билан танишган "Файзли" маҳалласидан. Маҳалла идорасида бизни хотин-қизлар иши бўйича мутахассис Анвара Сандова кутиб олди.

Маҳалламиз ўз номига монанд файзли, — дея сўз бошлади Анвара опа. — Президентимиз таъриф буюрганларидан кейин маҳалламиз файзлигига яна файз қўшилди. Бизни қувонтираётган янгилликлардан айтсам, Президентимизга футболга қизиқишини айтган ўғлимиз бутунгун кунда "Бунёдкор" футбол мактаби тарбияланувчисига айланган. Бундан унинг ота-оналарига эмас, бутун маҳалла ахли хурсанд.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун қўмақ ўраган аёлларга ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Маҳалла ҳудудига ўн бешга яқин савдо шохбаси фаолияти йўлга қўйилган. Серрайрат тадбиркорлар корхоналар очяпти, ишсиз юрган маҳаллодошларимизни иш билан таъминлашга. Масалан, Хусанбой Ортиқалиев кўп тармокли мажмуа ташкил этиб, 40 кишини иш билан банд этишни режалаштирган.

Ҳозирги кунда мажмуа биносидан сўнгги пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. Кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари йўлга қўйилган. Шарипов, Беруний, Тошкент, Галаба кўчаларидаги ноқонуний қуришлар ўрнига барча шароитларга эга болалар майдончалари, гулзорлар, дам олиш жойлари барпо этилди. Яна битта янгиллик, маҳалламиз иккига бўлинди. "Файзли" маҳалласининг ҳудудидан "Фаровон" маҳалласи ажралиб чиқди.

— Мен ўша маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар иши бўйича мутахассисман, — дея суҳбатга қўшилди Дилором опа Эргашева. — Бизнинг маҳалламизда ҳам айтишга арзигulik ишлар кўп...

Дарҳақиқат, "Фаровон" маҳалласида ҳам Президент таърифидан сўнг салмоқли ишлар бажарилган. Хусусан, маҳалла ҳудудига жойлашган эски автокорхона биносидан 14 та кичик корхона очилиб, 2000 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилмоқда.

Маҳалладаги 14 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатаётган "Фаровон Аноркулов" номи уй-жой ширкати раиси Гулҳеҳра Хусанованинг айтишича, жорий йилда кўп қаватли уйларнинг томлари, кириш айвонлари, дераза ромларини таъмирлаш учун 841 миллион сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. Шу кунгача 501 миллион сўмлик иш қилинди. Таъмирланган уйларнинг томлари профнастил тунукалар билан ёпишиб, деразаларнинг ёғоч ромлари акфа ромларга алмаштирилди.

Президентимиз биринчи биноси 1912 йилда, охириги биноси 1979 йилда фойдаланишга топширилган тиббиёт бирлашмасида бўлиб, бу ердаги шарт-шароитларни замонага мослаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берган эди.

Бирлашмада кенг қўлланма ишлар амалга оширилди, — дейди тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Шаҳодат Раҳмонова. — Масалан, 675 минг долларлик замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари учун буюртма берилган. Бу иш йил давомида амалга оширилади. Учта оилавий поликлиника ва 3 та тез ёрдам шохбасини таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 204 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. 6 та оилавий поликлиника зарур жи-

ҳозлар билан таъминланди. 150 та янги патронаж сумкалари олинди. 2 та оилавий, 1 та кўп тармокли поликлиникада электрон рўйхатга олиш йўлга қўйилди.

— Тиббиёт бирлашмасида жами 70 миллион 212 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган, — дейди "Озода маҳсуллатирилган реконструкция таъмирлаш" масъулияти чекланган жамият раҳбари Фулом Раҳмонов. — 300 нафардан ортиқ қурувчимиз биринчи февралдан иш бошлаган. Шу кунгача 14 миллион сўмлик иш бажарилди. Таъмирлаш ишлари "Ўзтибгойна" институти лойиҳаси асосида олиб боришмоқда. Илгари шифохонада лифт бўлмаган. Лифт ўрнатилди. Иссиқлик, ёритиш тизимлари тўлиқ алмаштирилди. Жаррохлик бўлими бутунлай янгидан қурилади.

Таъриф чотида шаҳар раҳбариятига янги бозор қуриш вазифаси ҳам топширилган эди. Айни кунда мазкур объектда амалга оширилаётган ишлар ҳам яққол кўзга ташланган эди.

Янги бозор қурилиш ишлари техник назоратчиси Иброҳим Дадаўжаевнинг айтишича, 30 миллион сўм ҳажмидаги иш бажариш кўзда тутилган. Қурилиш ишларини "Акофсифатқурилиш" фирмаси жамоси олиб борапти. Шу кунгача 10 миллион сўмлик иш бажарилди.

Янги бозорда сотувчилар ва харидорлар учун барча қулайликларни яратиш мақсад қилиб қўйилган. Масалан, Эски бозор ҳудуди 2,30 гектар эди. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида янги бозор ҳудуди 4,5 гектарга етказилди.

Илгари дехқонлар учун савдо ўринлари 1100 та бўлган бўлса, янги бозорда 1300 та бўлади. Яна 300 та туреун савдо шохбаслари бунёд этилади. Бозор атрофида автомашиналар тирбандилигини бартараф этиш учун 1 гектарлик автотуруроҳ қўриқчалари. Бозордаги қурилиш ишларини сентябрь ойигача тўлиқ тугаллаш кўзда тутилмоқда.

"Янгийўлсўт" хусусий фирмаси раҳбари Абдулбори Арипўжаев замонавий савдо мажмуасини бунёд этиб шаҳар аҳлини қувонтирди. Мажмуанинг биринчи қаватида супермаркет, иккинчи қаватида болалар ўйингоҳи, учинчи қаватда овқатланиш шохбаси ўрин олган.

Янгийўлда истироҳат боғларини тартибга келтириш ишларини ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу хайри иш учун 327 миллион сўм ажратилган.

"Ўзшаҳаринвестинженеринг" компаниясининг буюртмаси асосида 12 та етти қаватли уй-жой қуриш учун "Фаровон" маҳалласининг бошланғичдаги 10 гектардан ортиқ майдонда иш бошланганига уч ойдан ошди. "Тошкент вилоят маҳсулсиз монтаж қурилиш", "Амир макс инвестстрой", "Қурилиш медиа транс" масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари бу ишларни кўнгилдагидек адо этишмоқда.

"Тошкент" кўчасидан ўтган киши уй-жойлар қуриш жадал суръатда олиб борилаётганига гувоҳ бўлади.

— Аҳоли сонининг йилдан йилга ортиб бораётгани туфайли Янгийўл шаҳрида уй-жойга эҳтиёжмандлар сонига кўпайиб бораётган эди, — дейди "Ўзшаҳаринвестинженеринг" компаниясининг катта назоратчиси Абдуҳалим Турсунов. — Шунинг учун йил бошидан оқиб лойиҳалар тайёрланиб, февраль ойининг ўрталаридан ишга бошлаб юборилди. Худо хоҳласа, яқин ойларида янги уйлар битиб, бу жойлар шаҳарнинг кўркем мавзесига айланади. Ҳозирги кунда учинчи қаватда янги териш ишлари бошланди. Қаранг, биринчи қаватга алоҳида ишлов, жило берилган гишлар терилди. Бу уйларнинг кўркем бўлишини таъминлайди. Аризалари қаноатлантирилган янги уй эгалари қурилиш ишларини, бу ерда яратилаётган шарт-шароитларни кўриб хурсанд бўляпти. Одамларнинг қувончини кўриб, икки сменада бажаряётган меҳнатларимиз бесамар қетмаётганидан, қувонимиз, байратимизга қайрат қўшилипти.

— Хар бир уйда иккига кириш айвони бўлади, — дейди "Амир макс инвестстрой" масъулияти чекланган жамият раҳбари Юсуфжон Ибодов. — 42 оилага мўлжалланган 2, 3, 4 хонали уйларда яшаш майдони 28, 49, 35, 18, 43, 54 квадрат метрни ташкил қилади. Бу албатта, балкон, опхона, ювенил хоналаридан тапқари. Уйлар кенг, шинам, барча қулайликларга эга. Тилагимиз, уйга эҳтиёжманд барча юртдошларимизга мана шундай уйлар насиб этсин.

— Бу ерда ҳозир 800 нафардан ортиқ қурувчилар ишлаяпти, — дейди "Тошкент вилоят маҳсулсиз монтаж қурилиш" масъулияти чекланган жамият раҳбари Акбаржон Шарипов. Қурувчилар маҳсулсиз кийим, ётоқхона, иссиқ овқат билан таъминланган. Бажарилган иш ҳажмига қараб 2-5 миллион сўмгача маош олишяпти. Мақсадимиз янги уйларни белгиланган муддатда қуриб-битказиш.

Сафардан қайтарганимиз, кўрган-эшитганларимизни салмоқлаб Ҳаракатлар стратегияси том маънодаги тараққиёт дастури эканига Янгийўл шаҳри мисолида ишонч ҳосил қилдик.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Бошланғич
1-бетда

"Карвон" буюк ипак йўли композицияси шаҳарча кўригига кўрк қўшади. Режалаштирилган объектлар орасида муз саройи, "Гимнастика" соғломлаштириш спорт мажмуалари алоҳида аҳамиятга эга. Муз саройи вилоятдаги илк киши спорт мажмуаси бўлади. Бу ерда фигурали, конькида учини, хоккей каби киши оммавий спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилади.

Марийлон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари барчани мамнун этмоқда. Истироҳат боғининг майдони 9 гектардан 16 гектарга кенгайтирилди. Эркин Воҳидов номидаги муҳташам музей, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими биноси, ижодкорлар хиббони, ёш ижодкорлар мактаб-интернати, 2 минг кишилик амфитеатр, Нуронийлар маскани замонавий меъморийлик андозалар асосида бунёд этилди. Замонавий аттракционлар болалар ихтиёрида. Мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар кишига завқ бағишлайди.

Маданият ва истироҳат боғини кезар экансиз, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг

**Юртдошим, боғинга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.
Ниҳолнинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини гўзаллик деб қўй.
Гулу ниҳолнинг бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандинга боғ қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.**

деган кишини эзгуликка, гўзаллик ва яратувчанликка ундовчи сатрлари ёдга тушади.

Албатта бундай ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари барча шаҳар ва туманларда давом этмоқда. Фарғона туманида жойлашган "Миндонобод агросаноат"



М.Қотиров(У.А.) олган суратлар

Юртдошим, боғинга бир ниҳол қада

агросаноатда ҳам истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан дунёга машхур ва экспортбон энг ноёб техник узум навларини етиштиришга ихтисослашган боғларимиз 1000 гектарга етказилмоқда, — дейди "Миндонобод агросаноат" агрофирмаси раҳбари Мўминжон Мамадалиев. — Табиий вино маҳ-

корлик келишувларига эришилди. Экспорт географиясини мунтазам равишда кенгайтириб бориш учун маркетинг бўлими мутахассислари жаҳон бозоридан талаб ва таклифни ўрганмоқда. Шу тарихи маркетинг сиёсатини ривожлантириш орқали миллий брендлар яратишни режалаштирганмиз.

Узумчиликда инновацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида томчилатиб сугориш усули жорий этилиб, агротехник тадбирларни сифатли ва самарали ташкил этиш учун сарф-харажатларни камайтирувчи қуёш панеллари ўрнатилди.

Агротуризмни ривожлантириш учун сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоят аҳолиси юрт тараққиёти йўлида ўзаро ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда. Уларни эзгу ишлар, хайрли ташаббуслар сари руҳлантириб турган энг улғувор мақсад — бу Ватанимизни янада обод, турмушимизни фаровон этишдир!

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

Учрашув

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси жорий йилнинг ўзида бир неча чет давлат биржалари билан манфаатли ҳамкорлик шартномаларини имзолади. Ана шундай битимлардан бири 31 май куни Белоруссия универсал товар биржаси ОАЖ билан тузилди.



Битим имзоланди

Маълумки, Белоруссия универсал товар биржаси Беларус Республикасида ташкил этилган товар бозорининг негизини ташкил этади. Айни вақтда БУТБнинг мижозлар базаси 16 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг 3700 дан зиёди жаҳоннинг 56 та мамлакатлари компаниялари вакиллари билан.

Тадбирда ЎЗРТХБ АЖ бошқарув раиси в.в.б. Фароҳиддин Ибрагимов бошчилигидаги маҳаллий мутахассислар ҳамда Беларуссия универсал товар биржаси ОАЖ бошқаруви раиси ўринбосари Ирина Наркевич иштирок этди.

ЎЗРТХБ АЖ бошқаруви раиси ўз сўзида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ўзаро савдоларнинг ўсишига хизмат қилишини ҳамда икки мамлакат учун ҳам манфаатли бўлишини таъкидлади.

Тадбирда Беларуссия ва Ўзбекистон тадбиркорлик субъектлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари, электрон савдоларни ташкил этишнинг янги услублари ва шакллари ўрганиш, ахборот ва маркетинг хизматлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш масалаларини муҳокама қилишди.

ЎЗРТХБ АЖ фаолияти тўғрисидаги тақдиротда савдо платформалари, биржа савдоларини ўтказиш механизми, ҳисоб-китоб клиринг палатаси орқали битимларни қафолатлаш тизими ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, avtoraqam ва xarid тизимлари каби электрон тижоратнинг B2B, B2C ҳамда B2G моделлари алоҳида кўриб чиқилди.

Учрашувда Ирина Наркевич икки биржа ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланишига умид билдириб шундай деди:

— Аввало, меҳмондўст Ўзбекистонга келганимдан жуда мамнунман. Мақсадимиз икки томонлама ҳамкорлик ўрнатиш ва тажриба алмашишдан иборат. Сафаримиз қутилганидан ҳам самарали бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Биржангиз фаолияти билан танишарканмиз, иккала биржа ўртасида ўзаро ўхшашлик жиҳатлари кўпчилиги амин бўлди. Биз Европада тез суръатларда ривожланаётган бўлсак, бизнинг биржангиз ҳам Осиёда жадал тараққиёт этиб, ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Тизимда замонавий технологияларнинг кенг жорий этилгани ютуқлар гарови бўлмоқда. Бу ўз навбатида

электрон савдоларнинг ўсишига хизмат қилади. Қолаверса, авторакмларни биржа орқали сотишнинг йўлга қўйилиши ўрганса бўлади-шуви имзоланди. Унга кўра, қўшма ишчи гуруҳ ташкил этилди. Мазкур гуруҳ ҳамкорликни кучайтириш ва алоқаларни ривожлантириш таклифларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Музокаралар якунида ЎЗРТХБ АЖ ва БУТБ ОАЖ ўртасида икки томонлама ҳамкорлик келишуви имзоланди. Унга кўра, қўшма ишчи гуруҳ ташкил этилди. Мазкур гуруҳ ҳамкорликни кучайтириш ва алоқаларни ривожлантириш таклифларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Б.МУҲАММАДИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН: жадал ривожланаётган Евроосиё индустриал марказидаги сармоявий имкониятлар

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш доирасида ҳамда бу жараёнга чет эллик сармоядорларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизнинг Франкфурт-Майндаги (Германия Федератив Республикаси) бош консуллиги томонидан Швейцария – Осиё савдо палатаси ва Ўзбекистон – Швейцария савдо-санот палатаси билан ўзаро ҳамкорликда Цюрих шаҳрида “Ўзбекистон: жадал ривожланаётган Евроосиё индустриал марказидаги сармоявий имкониятлар” мавзусига бағишланган бизнес-форум ташкил этилди.



дан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш вақти келганини кайд этди.

Анжуман қатнашчилари олдида сўзга чиққан **Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майндаги бош консули Э.Хамроев** Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши, жадал ислохотлар йўли, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий стратегияси ва ташаббуслари, минтақадаги қўшни давлатлар ҳамда дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани ҳақида атрафлича тўхталди. Дипломат Швейцария ва Германия ишбилармон доиралари вакилларига Ўзбекистонга боришни таклиф этар экан, бу мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни ўз қўлари билан кўришга имкон яратишини айтди.

Бизнес-форум чоғида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини таъкидоти ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ишбилармонлари делегациясининг раҳ-

бари, **Савдо-санот палатаси раиси А.Икромов** тадбир иштирокчиларини республикаимизнинг сармоявий имкониятлари, унинг экспорт, транспорт ҳамда сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништирди. У 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устуви йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясидан қўзланган асосий максаллар ҳамда унинг йўналишлари моҳиятини очиб берар экан, республикаимиздаги эркин савдо зоналари ва кичик индустриал зоналарда қўшма ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг афзалликлари хусусида атрафлича тўхталди.

Шунингдек, Швейцария технологиялар, электр ускуналари ва металл индустрияси ишлаб чиқарувчиларининг ассоциацияси (Swissmem) бош котиби К.Вухвальдер “Швейцариянинг Ўзбекистондаги тўқимачилик машиналари”, Comagra Commerz & Agrar Handel AG компанияси дирек-

тори Ю.Мюллернинг “Ўзбекистонга экспорт: имкониятлар ва тўсиқлар” мавзусидаги маърузаси ҳам тингланди. Улар мамлакатимизда орттирган иш тажрибаси хусусидаги фикр ва мулоҳазаларини тадбир қатнашчилари билан ўртоқлашди.

Сўнгра мамлакатимиз бош консуллиги ва тадбиркорларимиз вакиллари Ўзбекистоннинг кишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик саноати ҳамда банк-молия жабҳасидаги имкониятларини таъкид этди.

Бизнес-форум якуни бўйича Ўзбекистон Савдо-санот палатаси ва Швейцария – Осиё савдо палатаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Тадбирнинг расмий қисми низоҳасига етганидан сўнг Credit Suisse, Schneider Group, Bank Julius Baer, UBS Switzerland AG ва бошқа компания ҳамда молия тизимлари иштирокида Ўзбекистон ва Швейцария тадбиркорларининг «business-to-business» (B2B) учрашуви бўлиб ўтди.

Юқоридагилардан ташқари, мамлакатимиз делегацияси Швейцариянинг Хорген шаҳридаги Scherer Schweizer Mettler AG тўқимачилик фабрикасида ҳам бўлиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

«Дунё» АА,
Цюрих — Франкфурт —
Майн

Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар оммавий ахборот воситаларининг биринчи форуми бўлиб ўтди.

ШХТ: Медиа ҳамкорлигининг янги даври

Унда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон, шунингдек, кузатувчи маконидаги Афғонистон, Беларусь, Мўғулистон, Эрон, мулоқот бўйича ҳамкор-давлатлар Арманистон, Камбоджа, Непал, Озарбайжон, Туркия, Шри-Ланка сингари 18 мамлакат ахборот-коммуникация соҳасида ваколатли органи ҳамда етакчи ОАВ вакилларида иборат делегация аъзолари иштирок этди.

Қайд этиш керакки, ШХТ ташкил этилгандан буён ўтган 17 йил мобайнида оммавий ахборот воситалари ушбу ташкилотнинг ўзаро ишонч, манфаатдорлик, тенглик, маслаҳатлашув ва маданиятлар хилма-хиллиги, бир сўз билан айтганда, “Шанхай руҳи” тамойилларига асосланган ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

“Медиа ҳамкорлигининг янги даври” мавзусида ўтган форумда ХХР Давлат кенгаши матбуот девонхонаси раҳбари Цзян Цзяньго, ШХТ Бош котиби Рашид Алимов ҳамда аъзо-давлатлар делегациялари раҳбарлари сўзга чиқди. Келаси ҳафта Циндао шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммитига тайёргарлик жараёни ҳақида ахборот берилди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг анжуман иштирокчиларига йўллаган қутловини Хитой коммунистик партияси Сиёсий бюроси аъзоси, ХКП Марказий Кўмитаси аъзоси, ХКП МК Тарғибот бўлими муdiri Хуан Куньмин ўқиб эшиттирди.

Анжуман иши “Медиа ҳамкорлиги учун янги платформа яратиш, бирликлда ривожланишни янги босқичга олиб чиқиш”, “Гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, халқлар маънавий бирлиги” мавзуларидаги шўба йиғилишларида давом этди.

Ўзбекистон – Хитой муносабатлари муттасил ривожланиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил май ойидаги ХХРга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги давр, сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Форум доирасида ШХТга аъзо давлатлар ахборот соҳасидаги ваколатли органлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

ЎЗА

Парламент комиссиясининг
2018 йил 1 июндаги 33-сонли қарорига 2-илова

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ “Аҳолининг ижтимоий-маънавий, экологик, тиббий маданиятини оширишда, ижтимоий тадбиркорлик, туризмнинг инновацион турларини жорий этишда ННТлар фаоллигини кучайтириш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадлари назарда тутилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа бурортманомалари қабул қилинади:

1. Давлат органлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳудудларда чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлатишнинг инновацион технологияларини жорий қилишни кучайтириш;
2. Жойлардаги маҳаллий давлат органлари аҳолининг ижтимоий қўмакка эҳтиёжманд қатламлари аёллар, ёшлар ва ногиронларнинг доимий бандлигини таъминлашга, уларни халқ хунармандчилиги тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилавий бизнес ва тадбиркорлигининг турли шаклларида жалб қилишга қўмаклашиш;
3. Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ижтимоий шерикликда юқумли касалликлар профилактикаси тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш;
4. Ёшларнинг тиббий-экологик ва ижтимоий-маънавий маданиятини юксалтиришда ННТ ва ОАВ ўртасида ҳамкорлигини кучайтириш;
5. “Маънавият оилалари бошланади” шiori остида хотин-қизлар саломатлигини яхшилашга қаратилган оилавий кадриятларни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш;
6. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВ ролини кучайтириш;
7. Ота-она қаровисиз қолган, шунингдек, имконияти чекланган болалар муаммолари бўйича ижтимоий реклама, махсус телекўрсатув, радиоэшиттиришлар, мақолалар тайёрлаш, эфирга узатиш, чоп этиш;
8. Аҳоли, авваламбор, ёшларнинг дунёқарабини кенгайтириш, улар ўртасида маънавий кадриятларни мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашни шакллантиришга қўмаклашиш;
9. Давлат органлари билан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга, аҳолини маиший яшаш шароитларини яхшилашга қўмаклашиш;
10. Чикиндиларга иккиламчи ишлов бериш жараёнини янада кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма объектларида замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларини қўллашга қўмаклашиш;
11. Жамиятнинг маънавий асосларини янада ривожлантиришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга қўмаклашиш, азалий миллий кадриятларни мустаҳкамлаш, жамиятда юксак маънавият ва соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш;

12. Оилда тиббий маданиятни шакллантириш ва ошириш, тўғри овқатланиш, камқонлик ва гигиена соҳасида қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш;

13. Ёш авлодни маънавий тарбиялаш даражасини ошириш, ёшларни гитхандлик, ахлоқсизлик ва зарарли таъсирдан ҳимоя қилиш;

14. Ёш авлодни тарбиялаш жараёнида таълим муассасаларининг оила ва маҳалла институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, уларда эстетик дил, ўзбек халқининг миллий, тарихий ва маданий меросини, бой тарихини, мустақил Ўзбекистоннинг замонавий ютуқларини ҳурмат қилишни шакллантириш;

15. Туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида омалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хатти;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгариш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 7 июндан 13 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Мавзунот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ижтимоий реклама

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТ ФОНДИ “Ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук, жисмонан соғлом этиб тарбиялашга, уларда тадбиркорлик, илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга қўмаклашиш” мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадлари назарда тутилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа бурортманомалари қабул қилинади:

1. Ёшларда китобхонлик қўниммасини шакллантириш, уюлмаган ёшлар ўртасида “Адабиётга эътибор – маънавиятга эътибор”, “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловларини ташкил этиш;
2. Уюлмаган ёшларни, ноқонуний меҳнат мигрантлиги натижасида хорижий давлатлардан дипортация қилинган ёшларни бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятларини юксалтириш, уларнинг инновацион фикрлашнинг, кашфиётчилик, рационализаторлик ролялар ва нау-хауларни ишлаб чиқишга йўналтириш;
4. Маҳаллалардаги уюлмаган ёшларнинг қизқичқиллиги, орзу ва истакларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга шарт-шароит яратиш, турли тўғарақлар, спорт жамоаларини шакллантириш;
5. Ёшларнинг аэрокосмик, аэродинамик соҳалардаги билимларини юксалтиришга қўмаклашиш, уларда интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш;
6. Ёшларда, айниқса уюлмаган, тарбияси оғир бўлган ёшларда гоёйи ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий имунитетни кучайтириш, уларни жамиятдаги интеграциясига маънавий психологик қўмаклашиш;
7. Ёшлар ўртасида эрта никоҳни олдини олиш, оиланинг мукаддас кадриятларини уларнинг тафаккурига сингдиришнинг инновацион(маънавий, психологик ва бошқалар) усулларини амалга ошириш;
8. Ёшларда фуқаролик бурч ва масъулиятни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, давлат ва жамият қуриш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари тўғрисида хабардорлигини ошириб бориш;
9. Маданият, адабиёт, санъат ва аниқ фанлар соҳаларида ёш авлодни ижодий фаолиятини рўёбга чиқариш имкониятини яратишга қўмаклашиш, уюлмаган ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш;
10. “Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан” шiori остида маҳаллаларда, айниқса ёшлар орасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада мустаҳкамлашда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини юксалтириш;
11. Уюлмаган ва тарбияси муаммолли ёшларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида “Мен Ватанимни севаман”, “Жамиятда

менинг ўрним бор” мавзусида туркум тадбирлар ўтказиш;

12. Маданият ва спорт муассасалари билан шерикликда ёшлар ўртасида халқ спортини ўйинларини омалаштириш, ёшларнинг бўш вақтларини маданий ташкил этиш, кишлоқ қизларини бадний гимнастика ва спортга кенг жалб қилиш;

13. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаолиятига қўмак кўрсатиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хатти;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгариш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 7 июндан 13 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Мавзунот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Бошлангичи
1-бетдаФАЛАБА, ХОТИРА,
КАДР

Бу муқаддас учлик бир вақтда, бир кунда, ўзаро чамбарчас боғлиқ, тақозодорликда нишонланаётганида улуг ҳикмат бор. Тантана, тадбир, маросимларнинг боиси — Фалаба кун. Бу тарихий сана узоклашган сари унинг аҳамияти, қадри, қиммати тобора ошиб бораётди. Ахир, юртимизнинг бир ярим миллион ўғлини қаттол урушда қатлашди, беш юз минг ҳалок бўлди. Ярадор қайтганлари, меҳнат фронтларида ўзини қўрсатганлар қанча? Урушга кетганларнинг ўрнини билдирмай азоб чеккан аёллар, келинлар, қизлар, болалар, боболар жасорати-чи?

9 май. Пойтахтнинг Ботаника ботида ўтказилган асосий байрам тадбири. Тўқсондан ошиб, юз билан юзлашаётган, пўрим кийинган, кўкраги нишонлар билан тўла жангчилар-қоллар, нуруний кампирларнинг кўзлари чакнаб, юзлари қувончдан порлаб турганини, рақсга тушганларини кўрганларнинг кўзларида ҳаяжондан ёш ҳалқаланди. Президентимиз билан кучок очиб кўришганидаги, жойларда ҳокимлар қўлидан тила суви югуртирилган соат, пул муқофотлари олишганидаги, эҳтиросли сўзлар айтилгандаги ҳолати ҳамон кўз ўнгимизда. Гап фақат совғасаломларда эмас, албатта, энг муҳими, ардоқли инсонларга улкан эҳтиром, эътиборда.

Икки йилдан бери Фалаба, Хотира, Кадрлар кунини сўлим табиат қўйида ўтказишга асосий қўл қўйди. 2017 йили Шредер номидаги мева ва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтида ўтган бўлса, бу йил Фалалар академиясининг кўркем Ботаника боғи танланди, олдиндан катта тайёргарлик, ободончилик ишлари олиб борилди, институт ҳам, боғ ҳам ўзгача чирой касб этди.

Юнусободнинг Боғишармол кўчасида яшайман. Ботаника боғига уч чакиримча йўл. Эрталабларда четида бир текис хушбўй арчалар ўсаётган, хавоси мусаффо йўлакда сайр қилишни яхши кўраман. Боғда ўтган асосий байрамни экранида кўрдик, газеталарда ўқидик, катнашганлардан таассуротларини эшитдик. Бир байрам бўлса шунча бўларда! Таъриф-таъсифига сўз йўқ. Таъдбирнинг расмий қисми тугагача боғ томон йўл олдим. Кўчанинг икки тарафи турнақор машиналар. Боғ боғ бўлиб бунча одамни кўрмаган! Юриб бўлмайди: чол-кампирлар, хотин-қизлар, ёш-яланглар. Айниқса, болаларнинг танг, тўп, самолётлар устига чиқиб суратга тушганлари, блинча, оқоплар, дала ошхонасини томоша қилганлари, йиғит-қизларнинг боболари, момоларининг ҳарбий кийимларини кийиб юрганини кўриш завқли эди. Уруш нимагини киноларда кўрган, китобларда ўқиган бошқаю кўз ўнгимизда тасаввур қилиш бошқа. Намуналари қўйилган мана шу самолёт, пулемёт, тўп, автоматлар қанчадан қанча душман аскарларини қийратган, фашист қуроллари ҳам юзлаб шахар-қашлоқларни вайронага айлантирган, миллионлаб аскарларимизни йўқ қилган, жароҳат етказган. Менинг отам ҳам "Юнкерс" ташлаган бомбадан ҳалок бўлган, исми шарифи Мустақиллик майдонидидаги темир дафтarda қайд этилган. Оти ўқсин урушнинг, тинчлик,

осойишталикка нима етсин — сўзсиз, шпор-тарғиботсиз чиқарилган асосий хулоса шу. Кейин одамлар оқими Мустақиллик, Халқлар дўстлиги майдонларига йўл олди, Мотамсаро она, Бахтиёр она, Шомахмудовлар оиласига қўйилган ҳайкаллар пойига саноксиз анвойи гуллар қўйилди, кечқурун анъанавий мушакбозлик-фейерверк. Бир умр ёдда қоладиган кун!

БИЗ КАШФ ЭТГАН,
БИЗНИ КАШФ ЭТГАН
АМЕРИКА

Америка, чиндан-да, сирли-сеҳрли диёр. Ўқитганинг, эшитганингдан ўз кўзинг билан кўрганинг, хулоса чиқарганингга нима етсин. Биз, катта авлод вакиллари Горькийнинг "Сарик иблис шаҳри" памфлети, Маяковс-

русумдаги "Боинг" самолёти харид қилингани ҳақида тўққизинчи йилда тўққизинчи йилда.

Мустақил тузум даврида америкаликларнинг юртимиз ҳақидаги тасаввурлари, тўғриси, оз ва саёз эди. Биргина мисол. Бизнинг мактаб ўқувчилари, ўқув юрти талабалари азалдан география, ботаника, зоология, тарих, адабиёт ва бошқа фанларни ўқиш орқали АҚШ, унинг тузumi, аҳолиси, штат ва шаҳарлари, табиати, тоғ ва дарёлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ёзувчилари, санъаткорлари, спортчилари, таржима қилинган асарлари ҳақида анча кенг билим, тасаввурга эга бўлганлари ҳолда, океан орти мамлакатни коллеж, мактаб, ўқув юртилари ўқувчи, талабаларидан Ўзбекистон ҳақида сўралганда ўйланиб қолганлари, баъзилари Афғонис-

журналистлар учун алоҳида мавзу.

ЖУРНАЛИСТ
ҚАВМИГА
КАТТА ЭЪТИБОР

3 май, жаҳон сўз эркинлиги кун, бир гуруҳ журналистлар турли номинациялар бўйича "Олтин қалам" халқаро миллий мукофот совриндорлари бўлишди. 24 майда Президентимизнинг "Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Хар икки мисол соҳамизга, сўз, тасвир аҳлига кўрсатилаётган доимий эътибордан ёрқин далиллар.

Ижодий иш билан шуғулланаётганимга олтинчи йил, журналист кадрларга сабоқ бераётганимга эллик йил

имкони туғилган кейинги йилларда публицистиканинг бир қатор яхши намуналари пайдо бўлмоқда. Фарғоналик маҳоратли, жасоратли публицист, ўз вақтида шов-шувли телекўрсатувлар яратган Муҳаммаджон Обидовнинг яқинда нашр этилган "Журналист суриштируви. Таъриб ва таҳлил" китоби тақдиротларда яхши баҳо олмақда.

"Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этиш тўғрисида"ги қарорда соҳамиз истикболи белгилаб берилган. Ушбу ғамхўрликдан руҳланган ҳамкасблар, ижодкорлар, ўқувчилар матбуот, эфир, экран орқали ўз муносабатларини билдиришмоқда, хурсандчиликларини изҳор этишмоқда. Мен бу ўринда қарордаги уч нуктага эътибор қаратмоқчиман.

КУВОНЧЛИ КУНЛАР
САДОСИ

кийнинг ҳолисроқ "Мен кашф этган Америка" сафарномаси, ҳукмрон мафқуранинг асосан танқидий йўсиндаги тарғиботи, йўриқларини ўқиб, эшитиб вояга етганмиз. Ўзимизнинг номдор академикларимиздан бири ҳам ўша кезлар "Америкасини ҳам кўрдик" деган пичинг аралаш мақола ёзганини эслаймиз. Мустақиллик йилларида воқеликка хушёр кўз билан, ҳолисона қарайдиган бўлдик.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқи, Нью-Йоркда, Эр-Риёдада АҚШ Президентини Дональд Трамп билан ўтказган мулоқотлари, таъриқ телеграммалари алмашгани юртдошларимизни хушнуд этганди. Америка раҳбарининг Президентимизни давлат таърифи билан ўз мамлакатига меҳмонга чорлагани эса катта воқеа бўлди.

Мамлакатимиз делегациясининг юксак эҳтиром билан қутиб олиниши, Дональд Трампнинг Шавкат Мирзиёев ҳақида айтган гаплари: "Ўзбекистон раҳбари билан учрашш мен учун улкан шарафдир. У ўз мамлакатига ҳам, хорижда ҳам катта ҳурмат-эътибор қозонган". АҚШ Конгресси, Сенати, Пентагондаги учрашувлар, Президентимизнинг қабул маросимида "гарчи мамлакатларимиз география нуктаназаридан бир-биридан олсда бўлса-да, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради" деган дил изҳори, қарийб беш миллиард доллар ҳажмидаги 20 шартномага имзо чекилгани халқимизни беҳад хурсанд қилди. Бошқалар қатори мени ҳам Президентимиз бошдик делегация аъзоларининг Артур Саклер галереясида ўзбек тўқимачилик буюмлари, адрас, атласимиз, Марказий Осиё миниатюра ва қўлёзмалари намоиши этиладиган музейни бориб кўргани, АҚШда миллий мақомида тарғиботчиси Изро Малаковга "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилгани, юртимиз ҳақида мазмундор, мароқли мақолалар ёзган Фредерик Старрга қизини миннатдорчилик билдирилгани, янги

тонини, Покистонни дейишгача борганлари бор гап. Фақат мустақиллик йилларида, юртимиз дунёга юз очгач, дунё бизни яхшироқ таний бошлагач аҳвол яхши томонга ўзгараётди. Президентимизнинг АҚШга давлат таърифи мамлакатлар, халқлар билан тенгма-тенг, ўзаро манфаатли муносабат олиб бораётганимиз, адолатли халқаро ташки сиёсатимизга ёрқин мисолдир.

Мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулқадир Қомилов «Ўзбекистон 24» телеканалига берган интервьюсида

Сиртки таълим йўналишининг йўлга қўйилиши, қабул квоталарининг ўттиз фоизига қўйилган миқдорда белгиланганлиги кўпчилик ота-оналар, ёшлар, айниқса касбга иштиёқманд қизлар анчадан буён орзу қилиб келган янгилик бўлди. Олис вилоятларда журналист кадрлар етишмаслиги сабабларидан бири ҳам сиртки таълим йўқлигида эди.

мазкур тарихий таъриф ҳақида батафсил тўхталар экан, сафар «тўсатдан пайдо бўлмаганлигини» таъкидлади.

«Ўзбекистон ва Америка томонидан бу таърифга таъминан бир йилдан бери жиддий ва ҳар томонлама тайёргарлик кўрган эдик», — деди сиёсатчи. Қомилов таъриф сабаблари ҳақида гапирар экан, яна бир масалага эътибор қаратди: «қўллаб қўллаган масалалар тўғрисида ҳақ қилиш қўйилган эдик, бу масалалар атрофида фикр алмашиш, алоқаларимизни янги босқичга кўтариш керак эди». Ўзбек дипломатининг айтишича, АҚШ билан алоқаларни қучайтириш Ўзбекистоннинг миллий мақсадларига мос.

«Америка билан муносабатларни ривожлантириш, турли соҳаларда алоқаларни қучайтириш — бизнинг давлат ва миллий мақсадларимизга тўлиқ жавоб беради», — деди вазири.

Президентимиз АҚШдан қайтиши билан, кўп ўтмай, Андижон вилоятига икки кунлик сафарга йўл олгани, у ерда кўрганлари, янгиликлар билан танишгани, мулоқотлари, воя, тақдир, топшириқлари, Улуғнор туюнида вилоят фаоллари ҳузурида сўзлаган ёрқин нутқи, муборак рамазон ойи билан қизини қутлагани ва бошқа воқеалар ижод аҳли,

бўлибди. Соҳа мутахассислари бошда бир кафедра, бўлимда тайёрлангани, кейин бўлим алоҳида факультетга айланиши, аср охирида халқаро журналистика факультети ҳам тузилганидан то махсус университет ташкил этилганга қадар бўлган жараён гувоҳи, иштирокчисиман, шу қозонда қайнаб келаётганлардан бириман, десам бўлади. Бир неча ой муқаддам Президентимиз бир маърузасида журналистика университетини очиб қўйганини ўртага ташлаганда сўз ва тасвир аҳли, ижодкор зиёлилар хурсанд

Сиртки таълим йўналишининг йўлга қўйилиши, қабул квоталарининг ўттиз фоизига қўйилган миқдорда белгиланганлиги кўпчилик ота-оналар, ёшлар, айниқса, касбга иштиёқманд қизлар анчадан буён орзу қилиб келган янгилик бўлди. Олис вилоятларда журналист кадрлар етишмаслиги сабабларидан бири ҳам сиртки таълим йўқлигида эди. Хозирда танқиди сўз усталарининг анчаси ўз вақтида ишдан ажралмаган ҳолда ўқиган, назорат ишларини, мустақил вазифаларни ўз вақтида бажарган, бурч, масъулиятни яхши эшган.

Қабул жараёнида тест синовлари билан бир қаторда абитуриентнинг лаёқатини аниқлашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон ўтказилиши, унинг ёзма ва оғзаки суҳбат шаклида амалга оширилиши лозимлиги ҳақидаги банд ҳам жуда муҳим. Кўш талаб абитуриент билими, савияси, саводини аниқлашда яхши самара бериши таърифбадан маълум.


Журналистика университетига ўқитувчи танлашда инсоннинг шахсий сифатлари билан бир қаторда ҳам назарий, ҳам амалий тайёргарлиги қандайлиги алоҳида эътибор бериш лозим. Йиллик ҳисобот учун кам нусхада нашр этиладиган тўплам, газеталарда бир-икки мақола чоп этиш бошқаю минглаб ўқувчи, тингловчи, томошабинга мўлжалланган минбарда вақти-вақти билан қийиб туриш бошқа. Сузишни билмайдиган кишининг соҳа йўриқ-қисси, қопток тегиши билмайдиганнинг тренер, ёзишни билмайдиганнинг ўқитувчи бўлиши шубҳали. Аттестациялар жараёнида бу нарсалар эътиборга олинади, албатта.

Журналист қавминини қувонтирган икки воқеа май ойи — баҳорнинг эрка кунларига тўғри келди. Аслида юртдошларимизни суюлтирган ой, ойлари эмас меҳнатсевар, ташаббускор, фидойи инсонлар, азиз юртдошларимиздир.

Сайди
УМИРОВ,
Ўзбекистонда
хизмат
кўрсатган
ёшлар
мураббийси

ИЗЛАГАН
ИМКОН
ТОПАДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан "Доно наشريёти" МЧЖ жамоаси билан ҳамкорликда Фарғона шаҳридаги ногирон болалар "Мурувват уйи"да бўлдилар.



Улар болаларни таъриқлаб, телевизор ҳамда турли китоблар, "Билимдон", "Знайка", "Доно ворд" каби журналларининг янги сонларидан совға қилдилар. Болаларнинг ўзлари ёд олган шеър, бадий асарлардан парчалар ўқиб бердилар. Ғолиблар "Доно наشريёти" МЧЖнинг махсус совғалари билан таъдирланди.

— "Мурувват уйи" тарбияланувчилари орасида ижодга қизиққанлар бор экан. Биз улар билан энди алоҳида машғулотлар олиб борамиз, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов. — "Доно наشريёти" эса уларни болалар журналистлигини янги сонлари билан бепул таъминлаб туради.

Азизбек ЭРМАТОВ

Тараққиёт
ЭШИГИБошлангичи
1-бетда

Нихоят узок баҳс-мунозаралардан сўнг кенг жамоатчиликда: «Хар қандай ақлни шоширадиган кашфиёт китоб мутолаасига тўққизинчи қилолмайди, аксинча, ўзгаришларнинг сир-синоатини аниқлашда китоб асосотида», деган фикр пайдо бўлди, тўғрироғи, шакллантирилди.

Китоб нафақат энг масканларини ёритувчи нур, балки инсонларни қамолот сари етакловчи муҳим маънавий хазина ҳамдир. У инсонга маънавий озика берибгина қолмай, унинг тафаккурини ҳам бойитида, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустаҳкам пиллапоё вазифасини бажаради. Шу боис, китоб кишининг яқин дўсти. Бунга оддий мисол: мактабга илк бор қадам қўйган боллага устози китоб тутқазди. Ўша дақиқадан бошлаб ўқувчининг қалбига китобга бўлган меҳр уйонади ва бу меҳр уни азгу мақсад, юксак орзулар парвозига чорлайди.

Ёшларимиз орасида китобни севиб, уни меҳр билан қўлга олиб ўқийдиганлари билан бирга, аксинча, китобга бепасандларча муносабатда бўладиган, кутубхонадан олиб, уйда ўқимасдан сақлаб ўтирадиганлари, қолаверса, бутун ўқув йили давомида китоб жағонида сақлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Хозирда бундай лоқайдликка барҳам бериш чоралари қўрилиб, китобхон ўқувчи бўлиш шараф экани тарғиб қилинмоқда. Натига ҳам узок қутирмаслиги аниқ, албатта.

Умуман, барча турдаги китоблар инсоннинг маънавий юксалишига, салоҳиятини бойитишга хизмат қилади. Бадий китоблар кишининг сўз бойлигини оширади, тедран фикрлашга ундайди. Бадий китоб ўқининг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Чунки хар қандай асар ўзининг ғояси, маъзуну билан инсон онгига таъсир ўтқа-

зади. Асарда қўтарилган бирор муаммо ўқувчини баҳс-мунозарача чорлаш билан бирга, уни шу мавзу юзасидан чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. Асардаги хар бир қаҳрамон ҳаёти, ҳоҳ у ижодий ёки салбий бўлсин, инсонга маълум маънода сабоқ беради.

"Улуғ аждоқларимизнинг ақл-заковати ва бадийи даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ана шундай бекиёс меросимиз асосида ташкил этилган "Ёш китобхон" танловига 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов ғолибларига "Президент совғаси" — енгил автотомашина топширилгани ёшлар ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди", дейилади Президентимиз қарориди.

Мана, илм, бахт ва фаровонлик рамзи бўлган китоб тарғиботи шахар-у қишлоқларимизда кенг тарғиб қилиниб, омма ичра ёйилмоқда. Халқимиз ҳамиша китоб ўқиб, айниқса, "Ал-помини", "Тўғрўли", "Қун-туғмиш" каби халқ достонларидан лаззат туйиб яшаган. Бундай муҳитда ул-райган фарзандлар қамолда ҳам муаммолар у қадар кўзга таппанмаган. Чунки орият, мардлик, тантилиқ, кечиримликдан ибрат берувчи қироатхонлик кечалари вояга етаётган йигит-қизга тўғри йўл сари ёрқин маёқ бўлган. Авлодлар ал-машинуви — халқимизнинг асрлар оша бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келаётган фарзандлар орасида тир-рикчилик важида китобга бўлган эътиборни бир оз сусайтиргандек туюлди. Лекин, минг шукрки, бу ҳол бутун орта чекиммоқда.

Бир сўз билан айтганда, адабиёт одамларнинг инсоний қиёфаси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Китобхонлик тараққиётининг янги эшигини очади, шунда фаровонлик юксалади. Зотан, Амир Темур бобимиз айтганидек: "Китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму-донининг асосидир. Ҳаётни ўргатуви мураббийдир".

Ғайрат ШИРИНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Шахмат ватани — Ўзбекистон

Бошланиш
1-бетда

Мазкур сайлов жорий йилнинг октябрь ойида Ботуми шахрида бўлиб ўтди.

— Юсак ишонч учун Ўзбекистон шахмат федерациясига самимий миннатдорлигини билдираман, — деди К.Илюмжинов ўз сўзида. — Жаҳонда шахматни ривожлантириш ва омалаштириш дастурини амалга ошириш борасида олиб бораётган ишларни давом эттираман. Ўзбекистон шахмат федерациясини дунёда яхши билишди. Кейинги йилларда унинг вакиллари энг нуфузли турнирларда ғолиб бўлишди. Бундай ютуқлар ва ғалабалар келгусида янада кўпайишига имоним комил. Чунки Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан келаси йилдан бошлаб шахмат дарслари мактаблар дастурига ҳам киритилди.

Шунингдек, К.Илюмжинов курултой минбаридан туриб, Ўзбекистон шахматнинг ватани деб, расман тан олинганини таъкидлаган.

ФИДЕ раҳбари таъкидлашча, «шахматнинг асл ватани Покистон, Хиндистон ёки Эрон эмас, айнан Ўзбекистон ҳисобланади. Бу шунчаки гап эмас, бу тарих илми вакиллари ҳулосаси ҳамда илмий тадқиқотлар натижалари асосида исботланган».

Миллий олимпиада қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, айни пайтда ФИДЕ Ўзбекистон-

ни шахмат ватани деб расман тан олингани борасида Халқаро олимпиада қўмитасига махсус хат тайёрламоқда.

Шу ўринда бироз ортга чекиниб, шахматнинг тарихига қайтсак. Тарих фанлари номзоди, шахмат фидойиси Мамажон Муҳиддиновнинг ёзишича, 819 йилда Хуросонда шатранжи олиялари (гроссмейстер) ўртасида ўтказилган ilk нуфузли мусобақада юртдошимиз Абу Бакр Ас-Сулий ғолиб чиққан. Буюк бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг шатранж ҳақида китоб ёзгани тарихий манбалардан маълум. Соҳибқирон Абир Темур ҳазратлари даврида Самарқанд шахри шатранжнинг маркази ҳисобланган. Алишер Навоий бобомиз ҳам шатранж мажлисларида иштирок этиб, донна сурганлар.

1972 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Далварзиптада олиб борилган археологик қазималар вақтида I-II асрларга мансуб, 1977 йилда Афросиёб хабарларида олиб борилган қазималар ишларида VII-VIII асрларга мансуб шахмат доналари топилган. Далварзиптадаги қазималар ишларида фаол иштирок этган қадимшунос олим Баҳодир Турғуновнинг айтишича, фил суягидан ясалган шахмат доналарининг Сурхондарё заминидан топилгани катта воқеа бўлган. Бунинг сабаби шундаки, аксарият илмий доиралар ўша пайтгача шахматни эрамининг VI-асрига мансуб деб ҳисоблаган.

Б.Турғунов 1973 йилда «Шахматы в СССР» журнаlining 5-сонида бу ҳақида мақола ҳам эълон қилган. Хусусан, муаллиф унда Далварзипта хабарларидан ташқари Афросиёб кентидан 7, Мунчоктепадан бир ва Қумқўрғондан 32 та қадимий шахмат доналари топилгани чиндан ҳам шахматнинг ватани Ўзбекистон эканлигини исботлайди.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида шахмат усталаримиз жаҳон, олимпиада беллашувларида юсак натижаларни қўлга киритди. Айниқса, мамлакатимиз терма жамоаси 1992 йилда Мапилада ўтказилган Бутун жаҳон шахмат олимпиадасида иккинчи ўринни ишғол этгани фикримизни тасдиқидир. Қолаверса, 2004 йилда Триполида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Рустамнинг қўлаб издошлари, жумладан, Нодирбек Абдулаттаров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов, ака-ука Синдоров сингари ёшлар нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Улар орасидан ҳам келгусида шахмат бўйича жаҳон чемпионлари чиқиб, шахматнинг асл ватани Ўзбекистон эканлиги яна бир қарра тасдиқлашга шубҳа йўқ.

Абдумажид АЗИМОВ

Асрларнинг асраганлари

Нурота тумани ва Навоий шахрида 30-31 май кунлари ўтган «Нурли наволар» халқаро фольклор фестивали минглаб маҳмонларни ўз бағрига қорлади.

Маданият вазирлиги Республика маданият муассасалари фаолиятини таъкидлаш илмий-методик маркази ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида 2016 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур фестивалга жорий йилдан халқаро мақоми берилди.

— Фольклор-этнография жамоалар дастурлари сара асарлар билан бойитилмоқда, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини таъкидлаш илмий-методик маркази директори Азамат Хайдаров. — Жумладан, яқинда Сурхондарёда ўтказилган «Бойсун баҳори» халқа-

ро фольклор мусика фестивалида Тожикистон ва Афғонистондан келган жамоалар иштирок этди. «Нурли наволар» ана шу амалий ишларнинг маънавий давоми бўлди. Юртимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишлаб таъкидланган мазкур фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан, шунингдек, йиғирмага яқин хоржий мамлакатлардан 15 мингга яқин томошабин иштирок этди.

Узоқ йиллардан буён тилдан-тилга кўчиб келаётган халқ кўшиқларида миллиятининг турмуш тарзи, уюмлари, инсоний фазилатлари улуғланади. Шўхчан яллаган эса хоржийлик меҳмонларни ҳам рақсга чорлади.

— Нақадар бой маънавий-маданий меросингиз бор, — дейди франциялик сайёх Д.Бирраух. — Фестивалда намойиш этилаётган миллий либослар, сўзаналар, кулолчилик буюмлари кўрғазмалари мени ҳайратга солди.

Фестиваль кунлари иккита сахнада фольклор-этнография халқ ансамбллари ва эстрадамиз вакиллари томонидан юзлаб куй-қўшиқлар янради. Юртимиз ҳудудларида хос либослар кўрғазмаси намойиш этилди.

Китобхонлик тадбирлари, ёш ижодкорлар кўрғазмалари, миллий халқ ўйинлари ҳамда сўзана ва ўтовлар намойиши байрамга ўзгача жонли бағишлади.

— «Нурли наво»ларда «Аразчи мома» халқ кўшиғи билан иштирок этдик, — дейди «Бойсун» фольклор жамоаси раҳбари Бўрикул Жумаев. — Элимизнинг яхши кунларида хизматда бўлаётганимиздан жуда мамнунмиз.

— Нуротанинг ғўзал табияти, меъморий обидлари, Навоий шахридаги бунёдкорлик ишлари бизда унитилмас таассурот қолдирди, — дейди қорақалпоғистонлик Азамат Қалибоев. — Фестивалдаги куй-қўшиқлар, одамларнинг чехрасидаги қувонч дилимизни янради. Обод ва тинч юртга, байрамларимизга кўз тегмасин.

Аброр МЕЛИБОВ

Аччиқ, аммо очиқ гап

Хизмат юзасидан нуфузли бир идорага кўнғироқ қилиб, раҳбарини йўқладим. Ёрдамчи мени обдан сўроқ қилиб бўлгач, «у киши фуқароларни ҳафтанинг жума кuni соат ўн бирдан ўн учгача қабул қилади. Бунинг учун олдиндан навбатга ёзилиб қўйишингиз керак» деди.

Ёрдамчининг бундай муносабатидан сўнг унинг бошлиғи ҳузурига борингиз келадими? Йўқ. Афсуски, айрим идоралар раҳбарлари қабул кунларида ҳам «жузда банд» бўлганликлар сабабли уларнинг ишини ходимлар бажараётганлиги, арз-доллару, муаммолар қозғола қилиб кетаётганлиги сир эмас.

Ўзига шундай иш услубини қоида қилиб олган раҳбар кечаги чоригини дарров унутиб, юриш-туриш ҳам саломга алиқ олиши-ю, одамлар билан гаплашиши ҳам ўзгариб, димовдор бўлади-қолади. Албатта, бундай раҳбар кабинетдан чиқмасликка, одамлар ичига кириб, улар билан юзма-юз мулоқот қилишдан узоқроқ юришга ҳаракат қилади.

Ўзига билдирилган юсак ишончини ҳалол меҳнат билан оқлашга сўз берган бир танишим лавозимни эгаллаган захоти кўл остидаги каттаю-кичик одамлар бошида қамчи ўйната бошлади. Тирноқ остида кир излаб, ҳақорат қилди, аридек чақа бошлади. Худонинг берган кунни одамларни ишдан қўйиб, бешолти соатлаб мажлис ўтказди.

ЭНГ ХАЛҚЧИЛ АКАДЕМИЯ



Сўнг ҳоли жойда телефонни олдиға қўйиб олиб, қош қорайгунга қадар ҳордиқ чиқарди. Кабинетининг чироғи кечаси ҳам ўчмайдиган бу раҳбарнинг кунутун ишлаётганлиги юқорига етиб турди. Юқори уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатди. Ана шундай никоҳ ичида манманлик, ёлғончилик, ўзига бино қўйиш, жонини жабборга бериб ишлаётганларга турли йўллар



ТЕХНИКА АСРИГА САЁХАТ

Тошкент Политехника музейидан репортаж

Тарих тилга кирса...

Мамлакатимизда музейлар ҳам, уларнинг турлари ҳам кам эмас. Мавзу йўналишлари ҳам бисёр: тарих, адабиёт, санъат, табиёт, ҳарбий, геология, алоқа, табиат...

Ўрта Осиёда ягона Тошкент Политехника музейи — уларнинг кенжаси. Истиклолимиз меваси — автомобилсозлик саноатининг ривожига бағишланган бу қошона «Ўзбекистон автомобилсозлиги тарихи», «Жаҳон автомобилсозлиги тарихи» ва «Интерактив машғулот (практикум)» бўлимлардан иборат.

«Жаҳон автомобилсозлиги тарихи» бўлими айниқса, ретро-автомобиллар ихлосмандларини ўзига кенг жалб этади, — дейди музей экскурсоводи Шохиста Аҳмедова. — Чунки автомобилсозликнинг энг қадимий намуналари, яратилиш тарихи ҳақидаги маълумотлар, юртимиздаги ilk трамвай ва троллейбусларнинг нусхалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Томошабин мониторлар орқали улар қайси қўчалардан, қандай юрганини ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Масалан, «Навоий кўчаси» инсталляцияси орқали 1950 йиллар муҳитига тушиб қоласиз ва Тошкентнинг энг машҳур кўчаси ўтмишда қандай бўлганини билиб оласиз.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги ривожига дастлаб омон ва кетмондан бошланган. Ҳўкизга қўшилган омон кўпчиликнинг эътиборини тортади. Унинг ёнида дехқонлар меҳнати

ни анча енгиллаштирган дастлабки «Фордзон» (1924 йил) ва «Универсал» (1934 йил) тракторлари музей коллекциясининг ифтихори саналади. Миллий автомобилсозлик саноатининг йўлга қўйилиши мамлакатимиз тарихидаги энг ёрқин саҳифалардандир. Музей экспозицияси ўзбек авто-саноатининг аҳамиятга молик барча жиҳатлари



ни ўзида акс эттирган. Сиз бу ерда «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар майдони макетлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида тасаввурга эга бўласиз!

Битта автомобиль йиғиш учун қанча жамловчи деталь керак бўлиши ҳақида ҳеч ўйлаб қўрганмисиз? Автомобилсозликдан узоқ бўлган одам учун бу саволга жавоб топиш осон эмас. Бироқ «Spark» автокомпонентларини кузатиб, бу саволга батафсил жавоб топиш мумкин.

Иккинчи қаватда «Интерактив амалиёт» бўлими жойлашган. Бунда сиз фан ва техника оламига эксклюзив саёхат қилиб, математика, физика, астрономияга оид билимингизни мустаҳкамлашингиз мумкин. Музейни томоша қиларканман чет-эллик сайёҳларга кўзим тушди.

— Бу музей менда жуда катта қизиқиш уйғотди, — дейди хиндистонлик сайёх Махендра Рампал. — Мени бу ерда анвқ фанлардан улкан ютуқларга эришган шарқ ва ғарб алломулари қарши олгандек бўлди. Айниқса, дунёдаги ilk ўлчов бирликлари, телескоп, юртингиз тарихига оид қизиқарли фактлар



одамларни эътиборсиз қолдирмайди.

Бу ерда сиз бошқа музейлардаги каби экспонатларни нафақат кўриш, балки йиғишингиз мумкин. Абдий двигател нима ўзи? Архимед ричаги-чи? Ньютон маятник нима? Леонардо да Винчи кўприги? Самолёт нима учун учайди? Миср эҳромлари қандай қурилган? Буларнинг барчаси энергиянинг сақланиш қонунига бўйсунганига ва чигирли механизмнинг ишлаш тамойиллари ҳақида билиб оласиз.

Билиб қўйган яхши

— Аввал судланган бироқ судланганлиги олиб ташланган шахс ички ишлар идораларига ишга кириши мумкинми? С.Мамиров, Тошкент шахридан

— Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қўйидаги фуқаролар ички ишлар органларида хизматга қабул қилиниши мумкин эмас:

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган;

ички ишлар органларида хизматни ўташга тўғривлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган; бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган; содир этган жинояти учун муқаддам судланган (қўлланилган жазо тўғрисида, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган ва амнистия акти қўлланилгандан қатъи назар).


Саволга Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб берди.

Ҳоли жойда телефонни олдиға қўйиб олиб, қош қорайгунга қадар ҳордиқ чиқарди. Кабинетининг чироғи кечаси ҳам ўчмайдиган бу раҳбарнинг кунутун ишлаётганлиги юқорига етиб турди. Юқори уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатди. Ана шундай никоҳ ичида манманлик, ёлғончилик, ўзига бино қўйиш, жонини жабборга бериб ишлаётганларга турли йўллар билан зуғум ўтказиш авж олди. Ичида ҳайдовчидан бошқа ҳеч ким бўлмаган хизмат машинаси эса уни қаёққадир шошаётгандек кўрсатиб, туманлар ичида йўл чагитиб юрди.

— Ҳаёт, халқ билан мулоқотдир. Ҳаёт билан ҳамнафас бўлган, одамлар орасида юрган, уларнинг дарду-қувончига шерик бўлган раҳбаргина обрў-эътибор топиши, яхши ном қолдириши мумкин. Қўнғили ва қўли очик, имон-инсофли, виждони пок, гурури баланд, қатъиятли, ҳалол ва иродаси мустаҳкам раҳбар бунинг удасидан чиқади. Буларнинг ҳаммасини лўнда қилиб, маънавий деймиз.

Мулоқот раҳбарни вазминликка, фикрлаш, ўқиш ва ўрганиш, ўзгалар ютуғини кўра билиш, кўпчиликка маъқул бўладиган тўғри қарорлар қабул қилиши ундайди. Қучига-қуч, ғайратига-ғайрат қўшади.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист



Бошланиш
1-бетда

– Тарихдан маълумки, Шарқ дунё тамаддунининг бешиги. Улуғ қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ижодида ана шу муштаракликни кўрамиз. Биргина, “Оқ кема” қиссасидаги Шохдор она бую ҳақидаги ривоятлар Шарқ руҳиятининг ўзига хос бадиий ифодасидир. Замондош адибимиз асарларини қарийб эллик йилдан бери таржимаю тадқиқ қилиб келаётган адабиётшунос ва таржимон сифатида айтишчи, ёзувчининг бадиий маҳорати, тили, услуби ва образлари бизга қай даражада яқин?

– Қирғиз халқининг фахри бўлган Чингиз Айтматов нафақат туркий халқлар, балки бутун жаҳон китобхонларининг сеvimли ёзувчиси. Адибнинг асарлари энг кўп ўқилган В. Шекспир ва Л. Толстойдан сўнг 3-ўринда туради. Р. Рахмоналиев “Туркий дунё Алишер Навоидан қарийб 500 йил кейин адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди”, деганида ҳақ эди. У нафақат зулмисонайн ёзувчи, таржимон, киносценарийст, танкидчи, файласуф, дипломат, балки халқлар дўстлиги ва биродарлигининг толмас куйчиси сифатида ҳам элларни бирлаштирган.

Чингиз Айтматов асарларида қўл уришимга, академик Воҳид Зоҳидов сабаб бўлган. Агар у киши “Жамила” қиссасини катта кизиккиш билан ўқиб, бу ажойиб асарни ўзбек тилига таржима қилинг, деб маслаҳат бермаганларида, Айтматов ижодида бу қадар шўнғиб кетмаган бўлардим. Адиб асарларида образ, персонаж, ҳаттоки, ҳар бир ибора, ҳар бир сўз жонли. Қаҳрамонлари бизга яқин ва таниш одамлар. Чунки қадим туркий улус бу икки шажарасининг тарихи теран илдизларга туташ. Уларнинг ҳаёти асрлардан бери бир-бирига пайваста, тили-тилига во-баста. Айни пайтда фарқи ҳам бор Чингиз Айтматов асарларида учраган афоризмлар, мақол-маталлар, фразеологизмлар ва идиомаларнинг қирғиз тилидаги аслиятини излаб топишга тўғри келган. Бир мисол. Ўзбекчадаги баҳор сўзи (фасл номи) қирғизларда жаз деб айтилиди. Таржимон бундай ўринларда ҳушёрлик қилмаса чалғиб қолиши, сўзма-сўз таржима хатоликни келтириб чиқариши мумкин.

Адиб асарларини қайта-қайта ўқитганимиз сари ўзимизни янги оламга, маънавий дунёсига кенг ва мусоффо, гоҳда ростўй ва самимий инсонлар орасига кириб қолгандек ҳис қиламиз. Айтматов қаҳрамонлари Мухтор Азиев айтганидек, “...қалби кенг, ички дунёси гоҳда бой оддий меҳнаткаш кишилар” – ишчилар, чорвадорлар, денгизчилар, зиёлилардир. Улар ўз тақдирини, босиб ўтган ҳаёт йўли, савиясини, дунёқараши ва ташқи киёфаси билан бир-бирига ўхшамайдиган типик образлардир. Юзаки қараганда, бундай одамлар ҳаётининг нимаси бадиий асарга асос бўлиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бироқ ёзувчи шу оддий одамлар бошидан кечирган воқеалар, уларнинг орзулари, умид ва армонлари, бахти ва бахтсизлиги мисолида бир миллатни эмас, балки бутун инсониятни ўйлантираётган, тўқилантираётган муаммоларни кўтариб чиққан.


– Чингиз Айтматов элмиз бошига қора кунлар тушган, тўхматлар ёзилган саксонинчи йилларда ўзбек халқи ҳақида илқ сўзлар айтиб, руҳини кўтаришга ҳаракат қилган. Юртимизда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мунособи нишонлаш борасида Президент қарори қабул қилинган бежиз эмас. Чунки бу адиб ўзбек халқи шавк-шавкати ҳақида баланд тўтиб, унинг халқро майдондаги обрў-этиборидан қувончларга тўлиб яшаган.

– Дарҳақиқат, Чингиз Айтматов ўзбек халқининг садокатли дўсти, ардоқли биродари эди. Унинг деярли барча бадиий асарлари ўзбек тилига ўтирилиб, ўн минглаб нусхаларда қайта-қайта нашр этилиб, аллақачон ўзбек китобхонларининг кўнгил мулкига айланган. У қатор асарларида, хусусан, илмий-назарий, публицистик мақолаларида халқимизнинг бой маданияти, адабиёти, кўхна тарихи ҳақида ҳаёқон билан тўлиб-тошиб айтган сўзлари ҳамоно ёдимда: “Ўзбек халқининг тақдирини ўз тақдиримдан ажратиб қаролмайман”. Яна тарих ҳақида сўз юритиб, кўхна Византия қадим русга қандай таъсир кўрсатган бўлса, қадим ўзбек маданияти, адабиёти ҳам Марказий Осиёга шундай таъсир этганини мамнуният билан айтган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарорини ўқиб, жуда қувондим. Чингиз Айтматовнинг ўзбек адабиёти ҳамада санъатининг йирик намоёндалари билан яқин дўст бўлгани, ижодкорларни ўзаро ҳамкорликка ундагани юксак ибрат намунасидир.

Адиб Тошкентда ўтган Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг таъсис қурултоида маънавий бирлик, адабий дўстлик ҳақида рўй кўйинчаклик билан гапирган эди: «Сир эмаски, авваллари биз, зиёлиларнинг борди-кечдиларимиз, ижодий мулоқотларимиз яхши эди. [Ютуқларимиз, ўй-хаёлларимиздан бохабар эдик. Декадлар, маданият кунлари ўтиб

турарди. Энг яхши асарлар, романлар, қиссалар, драмалар, шеърый китобларни таржима қилардик. Киночиларимиз, раскомларимиз бир-бирларига жуда яқин эди. Энди-чи? Буларнинг ҳаммаси деярли, тўхтаб қолди. Ҳозир ўзбек адабиётида, хусусан, ёш ўзбек адиблари ижодида кан-



Асиль РАШИДОВ:

Ҳайратга солган чўққилар

дай ютуқлар бор, улар не мавзуларни қаламга олмоқда, қандай янги йўналишлар мавжуд – бундан биз томондаги тенгдошларимиз беҳабар. Ва, ақсича, бизда нима гап, ёзилаётган, чоп этилаётган асарларнинг мазмунини, гоҳийи-бадиий савиясини қандай – бунини сизлар билмайсизлар. Бу ҳолда бир-биримиздан жуда узоқлашиб кетамиз. Бир-биримизни танимай қоламиз. Бора-бора бир-биримизга ишончсизлик, ҳадик кўзи билан қараш бошланади. Бе-парво юрарсак, бир-биримизга инти-масак, шу даражага тушибизми аниқ. Бу – тузатиш қийин бўлган катта маънавий фожиа бўлади...”. Адибнинг бу куйинчак сўзлари ҳозир ҳам қанчалик долзарб эканини изохлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Чингиз Айтматовнинг жаҳоний шон-шухратига келсак, бунга биргина Вьетнам жангчиси Нган Ханнинг ёзган макту-бининг ўзидан аниқ жавоб топиш мумкин: “Бу кун яна оқопдаман, – деб ёзади у. – Жазирама иссиқ, ҳаво дим. Ҳандақларимизда бир этган шамолдан асар йўқ. Бундай кезларда оқопда ўтиришни турган-битгани азоб. Бирок, биз душман хуружини даф қилишга шай турибмиз. Ҳаво ҳужумлари орасидаги тревга тинган танаффус пайтларида ўзимизни бу дахшатлардан бир лаҳза алаҳситмоқ учун ҳазиллашамиз, гурунглашамиз, хиргойи қиламиз.

Ҳозир мен оқопнинг қиррасидаги бу-талар остида узола тушиб китобингизни ўқимокдаман. Сизнинг асарингизни бунчалик завқ-шавқ билан берилиб ўқимизга нима

Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири:

“Айтматовнинг деярли, барча асарларини ўзбек тилига Асиль Рашидов ўзгари. Чингиз Айтматов халқимизда ўз она тилимизда танилди. Чингиз оға ўзбекчада тутилмасдан, равон гапирарди. Эслайман, бир кўришганимизда Айтматов мендан: “Асарларим аввало, ўзбек китобхонларига ёққанидан хурсанд-ман. Мухими, зукко ўзбек халқи асарларимни эъти-роф этмоқда. Таржимон Асиль Рашидовнинг адабий меҳнатини ўзбек шоири сифатида қандай баҳола-ган бўлардинг?” деб сўради. Мен: “Безовта бўлманг, Чингиз оға, ўзбекча таржималардан кўнглингиз тўқ бўлсин”, деб жавоб қилдим”.

мажбур этганини ўзим ҳам билмайман. Уруш тугагандан кейин жонажон қор-хонамга ишга қайтаман, мен ҳам Илс каби фаол, ижодий меҳнат билан маш-ул бўламан. Бирок, мен ҳеч қачон жа-моа фикрини менсимасдан, ҳаётда қаттиқ адашиб мусибатга дучор бўлган Илс сингари азоб чекмайман”. Бу ҳаяжонли сатрлардан кўриниб турибдики, Чингиз Айтматов асарлари жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларидаги китобхонларни тўқил-лантирмоқда. Ҳар бир ижодкор бундай шарафга мушарраф бўлишдан фахрланса арзийди, албатта.

– “Асрни қаритган кун” романида-ги манкурт образи жаҳон адабиётида алоҳида феномен ҳисобланади. Бу асар адиб ҳаётининг бежиз эмас шў-рат келтирган. Сизнингча, роман-нинг кучи нимада – бадииятидами ёки маҳлуқдан фарқи қолмаган

инсон фожиасини дахшатли тарзда очиб берганида?

– Инсоннинг инсонлигини кўрсатади-ган, бошқарадиган асосий қудрат ХОТИ-РА саналса-ю, уни шундан жудо этишса? Қандай бедодлик?.. Манкурт образи ки-шини чуқур мушоҳадага чорлайди ва му-нозарали бир савол ҳам туғилади: қадим замонларда чиндан шунақа воқеалар бўлганми? Ёки у ёзувчининг тасаввур маҳ-сулими?.. Мен бу саволларга аввало, На-воийдан жавоб изладим. Қаранг-а, бун-дан қарийб олти юз йил олдин манкурт тўғрисида Навоий фикр билдирган экан. Мана ўша гаплар:

Фалак бошинга қоплаб ит терисин, Сен уни жаҳлдин деб кишу санжоб. Ажаб йўқ, одамниги унутсанг, Ўзунни бўйла ит чармида асрб. Бу сатрларда Чингиз Айтматов ифода-лаган ўша машъум ҳодиса – манкуртлик мохияти сўзланган. Тўғри, Навоий “ман-курт” сўзини ишлатмаган. Аммо улуг шоир хотирасиз йирткичнинг ўзига унинг ким-лигини тўғри шарҳлаган. Навоий талқини-даги манкурт бошига “ит териси” қопла-ган. Бирок, у жоҳиллиги туфайли уни бошқа жонотлар – кундуз ва санжоб териси деб фаҳмлаётди. Унинг ўз одам-лигини эсидан чиқарганига ажабланмас-лик керак. “Ит чарми”даги манкуртнинг итга айланиши шубҳасиздир. Чингиз Айт-

ундан ҳам дахшат. Чингиз Айтматов Найман онанинг манкурт ўғли томонидан қандай ўлдирилгани тасви-рида манкуртлик гоҳи-га тўлиқ очиб берилган. “Ман-курт” сўзи кўпчиликлани тилидан тушмай қолгани, қалб-ларини ларага келтиргани, жаҳон адабиётида янги ҳоди-са ҳисобланганининг боиси ҳам шунда.

– Китобхонларни чуқур ўйга толдирадиган “Қиёмат” (Кунда), Кассандра тамғаси (Охирзамон нишонлари), “Қулаётган тоғлар” (Мангу қайлик) романларида ёзувчи дунёни терроризм, минтақавий қирғин-баротлардан оғох этганини кўрамиз. Бу асарлар нафақат ада-бий, балки ижтимоий воқеа сифати-да ҳам таҳсинга сазовордир. Бундай оғир мавзуларни қаламга олишнинг ўзи мушкул – ҳаммаси кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеалар. Айтматов бунинг урдасидан чиқди. Шундай эмасми?

– Келинг, бу борадаги мулоҳазалари-мизни адабиётшунос олим Иброҳим Гафу-ровнинг фикрлари билан давом эттир-

Чингиз АЙТМАТОВ:

“Асарларим кўп тилларга ўзгаришган, аммо ўзбекчага, айниқса, Асиль Рашидов таржима қилган қиссаларим бошқача чиққан, бунга ўша йиллари Ўзбекистондан олган қатор макту-ларим гувоҳ. Асиль ака ҳар бир қаҳрамоним сиймосини ўзим тасаввур этгандек ортиқча бўёқларсиз очишга интиланган ва бунга эриш-маган. Менинг ўзбек адабиётимдан, муҳими эса қардош ўзбек китобхонлари қалбидан жой эгаллашимга Асиль Рашидовнинг хизматлари бекид. Асарларимни ўзбек китобхонларининг дилига етказиш учун кўп куч сарфлаган. У кишининг камсўзлиги, самимийлиги ва айниқ-са, қамтарлигини хуш кўраман. Ана шундай адиб ва таржимон дастлаб менинг ижодим билан ўзбек адабиёти ўрта-сида кўприк ясагани мен учун чексиз қувончдир”.

деб ўйламайди. Сизнингча, у бунга қандай эришган?

– Найман она ким? Манкуртликка қарши исён кўтарган ва ёвуз душман-лар таъсирида манкуртга айлантирилган ўғли Жўломон томонидан отиб ўлди-рилган онаизор. Она Байит афсонаси орқали меҳнаткаш халқининг ўтмишда нақадар оғир ҳаёт кечирганини Най-ман она ва унинг ўғли манкурт – Жўло-монлар эпизодида гоҳда ишонарли тас-вирланган.

“Жамила”ни эса адиб Москвада, Олий адабиёт курсида ўқиб юрган кезларида ёзган. Ўша пайтларда у қирғиз даштла-ри, халқнинг дарду дунёси, муҳаббати ҳақида асар ёзиш орузида бўлган. “Жа-мила”ни шу изланишларнинг махсули, дейиш мумкин. Яъни, аввалдан ёзишга чоғланиб юрган ҳаёт материалини янги-ча нукта назар асосида талқин қилган. “Жамила”нинг бош қаҳрамони фавқу-лодда ҳодиса образидир. Ўғул ёки бад-бин ҳаёт кечириб ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Жамила – кучли характер, у том матнода, тозалик, тўзаллик ва нав-киронлик тимсоли.

– Бир пайтлар ўзбек таржима мактаби иттифоқ миқёсида юксак нуфузга эга бўлган. Сиз ҳам бунга катта ҳисса қўшиб, Чингиз Айтматов асарларини ўзбек тилига широйли ўғиргансиз.

– Чингиз Айтматовнинг асарларини асо-сан рус тилидан ўтиришга тўғри келган. Адибнинг ўзи ҳам рус тилида ёзар ва асарларини қирғиз тилига таржима қилар-ди. Бунинг ўзининг она тили олдидаги бур-чи деб биларди. Дўстлик ва ҳамкорлик маънафатларига хизмат қилувчи шу тар-жиманинг ўзи ҳам бошқа ҳар қандай ижо-дий иш сингари, турли соҳа кишилари – муаллифдан тортиб, таржимон, танкидчи, муҳаррирлар ҳамкорлигида яратилади. Шу ўринда, таржимон ва муҳаррирлар Мир-закалон Исмоилий, Мирқарим Осим, Қодир Мирмуҳаммедов, Ваҳоб Рўзметов, Ҳасан Тўрабеков, Мирзиё Мирзиёзов, Илс Мурат, Гулом Шоди, Холди Ман-сурова, Эркин Мирзиёзов, Саидхадид Худ-ойбергавонларнинг хизмати ва кўмагини алоҳида қайд этмоқчиман.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг қарорига мувофиқ, Чингиз Айтма-тов таваллудининг 90 йиллиги юқори савияда нишонланиши – бу ўзбек халқи-нинг Айтматовга бўлган юксак эҳтиро-ми ва муҳаббатининг ифодасидир. Бу қирғиз ва ўзбек ҳаётида нечоғлик янги саҳифа очади?

– Мухтарам Президентимизнинг мин-тақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ахил қўшничилик, ҳамжихат-лик ҳамда ўзаро ишончга асосланган сиё-сати давлатларимиз ўртасида сиёсий, сав-до-иқтисодий, ижтимоий муносабатларни кучайтириш билан бирга, маданий алоқа-ларини ҳам изчил тараққий эттиришга хиз-мат қилади. Ўзбекистонда ҳам, Қирғизис-тонда ҳам халқларимизнинг бой тарихий мероси, тили, маданияти, қадриятлари ас-раб-авайланмоқда. Маданий, ижодий, жа-моат таъкилотлари ҳамда уюшмаган ўрта-сида алоқалар қўллаб-қувватланипти. Ҳар икки мамлакатда таъкил қилинаётган ма-даният кунлари, кино ва театр жамоала-рининг ижодий сафарлари, адабиёт, санъат ҳамда фан арбоблари ижоди ва фаоли-ятига бағишланган тадбирлар ана шундан далолатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қарорига мувофиқ, Чингиз Айтматов та-валлудининг 90 йиллиги муносабати бил-лан “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли хотира китоби чоп қилинади, асар-лари янгидан сахналаштирилади, хотира-сини абадилаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирита номи берилди, Паркент туманидаги 33-мактабда бюсти ўрнатилди, “Чингиз Айт-матов ва ўзбек адабиёти” мавзусида ил-мий конференция, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда таъкил шоирлар, ёзувчи-лар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ўтказилади.

Юртимизда қўллаб-қувватлаш бўлиб Чингиз Айтматовнинг асарлари бор. Бу асарлар ҳар йили неча минглаб нусхада босилиб турибди. Шунинг ўзи халқимиз-нинг Чингиз Айтматовга бўлган юксак эҳтироми ва муҳаббатидан далолатдир.

матов: “Манкурт худди ит каби фақат эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ”.

Воҳид ЗОХИДОВ
академик:

“Аспирантурада таҳсил олаётган пайтларда Асиль Рашидов мендан ҳол сўрагани келди. Унга франкуз ёзувчиси Луи Арагоннинг “Жамила” асари ҳақида ёзган мақолаасидан олган таассу-ротларимни айтиб бердим. Ўша мақола чиқ-қан “Култура и жизнь” журналини қўлга тутқаздим. “Жамила”ни ўзбек тилига ағда-риш кераклигини илтимос қилдим. Кўп ўтмай, бу илтимос истегдодли адабиётчимиз томо-нидан дўндириб бажарилди. “Жамила” асари ўзбек халқининг мулкига айланди.

Бу қисса жаҳон тилларига қилинган таржи-маларнинг биринчиси бўлди (албатта, рус тилидан кейин). Ана шу кўнгул нисга ҳисса қўшганим учун тақдирдан миннатдорман”.

дейди. Демак, бу фикр Навоий назарда тутган манкуртга ҳам мос. Навоийда “бос-қинчи” ўрнида “фалак” тилга олинган. Шоир жоҳил ва итоаткор манкурт қимса-ларга ҳаётда кўп дуч келган. Шу сабаб-ли, бунинг фалак қилими сифатида ифо-далаган.

Махмудхўжа Бехбудий ҳам “Қабила-сининг исми ва етти отасининг отини бил-майдуғонларни “қул” – “маркук” дер-лар”, дейди. Демак, ўзининг тарихий ил-диэларини унутган одам – манкурт ҳеч қачон тўлақонли инсон бўла олмайди. Романда эса бу ҳодиса шундай нақл қилин-ган.

Ривоятларга кўра, қадим замонларда жунжанг деган босқинчилар туркий халқлар-нинг ҳам ерларини босиб олишди. Жунглар асир жангчиларни ё қул қилиб ўзга юртларга сотиб юбори-шаркан ёки уларга нисбатан беҳад оғир жазо чорасини қўллар эканлар. Бу жазо тут-қиннинг бошига терикалди тортиш қийноқи экан. Бунда асирларнинг бошлари олдин

тақир қилиб қирилар, сўнг янги сўйилган туя бўйин терисидан тайёрланган қаллоқ бошларига қопланаркан. Бундай азобга ги-рифтор бўлган қул ё ўлиб кетар ё бир умрга хотирасидан ажралиб, ўтмишини эс-лолмайдиган манкуртга айланар экан. Ин-соний қадр-қимматини фаҳмлай олмайди-ган бундай маҳлуқлар фақат хўжайинга қуллик қилиш, у буюрган топириқларни миқ этмай бажаришдан нарига ўтмас экан. Унга қорин тўйса, бас. Шу – байрам. У хўжайиннинг олқишига сазовор бўлса, ки-фоя. Манкурт топириқ кутиб яшайди. Буйрук берилса бўлди, ҳатто ўз яқинла-рини ҳам ўлдираверди. Манкуртлик – қуллик, машъум қуллик. Инсонни хоти-радан, ақлидан оздириб, инсонийлик ҳу-сусятидан маҳрум эттиш – бу дахшат, болам деб зор қақшаган онаизорнинг ақлдан оздирилган ўғли томонидан шафқатсизларча отиб ўлдирилиши эса

қунда бутун башариятни ўйлантираётган глобал муаммолардан ҳисобланган гиёҳ-вандлик, имон-этиқод масалаларига ба-ъишлангани билан аҳамиятлидир. Мазкур роман илк бор 1986 йилда “Новый мир” журналы, 1987 йилда “Шарқ юлдузи”да чоп этилган. Адиб “Шарқ юлдузи”га йўллаган мактубида романининг номи қир-ғиз тилида – “Қиёмат”, ўзбекчада ҳам “Қиёмат” дейиш жоизлигини айтади. Ро-манда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, ўртага қўйилган муаммолар ўз даври-нинг долзарб масалалари билан ҳамо-ханг бўлиб, қаҳрамонларнинг мурак-каб, чигал тақдирлари, қалб тугёнлари ўқувчини ҳаяжонга солади. Адиб ўзи таъкидлагандек, “Қиёмат” романи – унинг дардлари, ҳасратлари, ташвиш-лари, тугёнлари. Маълумки, дунё жар ёқасида турибди, инсоният қайси йўлдан бормоқда? Инсониятни, цивилизацияни омон-эсон сақлаб қолиш мумкинми? Мумкин бўлса, қандай қилиб? Бу ро-ман ана шундай умуминсоний муаммолар ҳақида. Муаллиф қиёмат-қойим деганда дунёни атом бомбалари билан кунпая-қун қилиб юборишни эмас, аққол кўри-ниб турган ўзимизни ўзимиз гирифтор қилишимиз мумкин бўлган ва аслида ҳам қиёмат-қойим нафаси келаётган ишлар-дан кўриш лозимлигини айтади.

Адибнинг жаҳон китобхонларига тақ-дим этган сўнгги романи: “Қулаётган тоғ-лар” (Мангу қайлик, 2006) эса мангу қайлик ҳақидаги буюқ оқининг сўнгги кўшиги, реал ҳаёт билан афсоналарга йўғрилган ўлмас санъат асари бўлиб қолди. Ўз анъаналарига содиқ ёзувчи ушбу асариди ҳам умумжаҳон миқёсда фикрлайди, янгиланаётган дунёда азалий қадриятларни сақлаб қолишга ундайди.

– Айтматов асарларида аёллар образи алоҳида ўрин тутди. Найман она бутун бир миллат учун қайеура-диган оддий қирғиз аёли, Жамила эса кўнгул эрки учун курашган қаҳрамон сифатида жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирди. Асардаги миллий харак-терни кўриб, Чингиз Айтматовни ҳеч қим рус тилида ижод қилган,

Адиба УМИРОВА сўхбатлашди.

Маълумоти: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва dizayner Nigora Tagieva томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Шавкат Муродов

“O‘zbekiston” НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.